

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АХМЕДЖАНОВА ХУРШИДА ЗОКИРЖОН ҚИЗИ

**ПАСТ ТУХУМДОН ЗАХИРАЛИ КЕЧ РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ
АЁЛЛАРДА ФЕРТИЛЛИКНИ ТИКЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

УЎК: 612.663.618.111-007.1:618.177-055.2-053.85

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Ахмеджанова Хуршида Зокиржон қизи

Паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда фертиликни тиклашни оптималлаштириш..... 5

Ахмеджанова Хуршида Зокировна

Оптимизация восстановления фертильности у женщин позднего репродуктивного возраста с низким овариальным резервом. 23

Akhmedjanova Khurshida Zokirovna

Optimization of fertility restoration in women of late reproductive age with low ovarian reserve.45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published scientific works 52

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АХМЕДЖАНОВА ХУРШИДА ЗОКИРЖОН ҚИЗИ

**ПАСТ ТУХУМДОН ЗАХИРАЛИ КЕЧ РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ
АЁЛЛАРДА ФЕРТИЛЛИКНИ ТИКЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.4.PhD/Tib3101 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Шукуров Фархад Ишқулович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар

Зуфарова Шахноза Алимджановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ешимбетова Гулсара Закировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140 Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 223 уй. Тел/факс: (+998) 71-262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140 Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 223 уй. Тел/факс: (+998) 71-262-33-14.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Т.А.Набиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

К.Н.Хайтов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бепуштлик муаммоси долзарб муаммолардан бири бўлиб, унинг салмоғи йил сайин ортиб бориши кузатилмоқда. Жаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, “...умумий аҳоли орасида бепуштликнинг учраши 17,5% ни ташкил этади. Айниқса, ушбу муаммонинг кеч репродуктив ёшдаги аёллар орасида кескин ўсиши қайд этилган: 36–39 ёшли аёллар орасида бепуштлик ҳолатлари 25–30% ни, 40 ёшдан юқори аёллар орасида эса 40–50% гача етади...”¹ Паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда репродуктив функцияни тиклаш муаммоси ҳозирги кунда клиник амалиётда жиддий мураккабликларни келтириб чиқармоқда. Анъанавий даволаш усуллари бундай беморларда кам самара кўрсатаётгани боис, табиий йўл билан ҳомиладорликка эришиш имконияти кескин камайиб бормоқда. Шу боис, паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда репродуктив функцияни тиклаш мақсадида самарали ёндошувларни ишлаб чиқиш, репродуктив технологияларни такомиллаштириш ва янги терапевтик усулларни жорий этиш борасида кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда репродуктив функциясини тиклашни оптималлаштиришга оид масалалар тўлиқ ўрганилмаганлиги ушбу муаммонинг илмий ва амалий долзарблигини янада оширади. Айниқса, бундай аёлларда тухумдон фаоллигини тиклашга оид илмий маълумотлар етарли эмаслиги, мавжуд клиник тавсияларнинг чекланганлиги билан изоҳланади. Гарчи халқаро миқёсда ушбу муаммони ҳал этиш бўйича муайян қадамлар қўйилаётган бўлса-да, паст тухумдон захирасига эга кеч репродуктив ёшдаги аёлларда кузатиладиган репродуктив бузилишларнинг патогенетик механизмлари ҳанузгача тўлиқ очиб берилмаган. Шунингдек, уларда репродуктив салоҳиятни аниқ ва ишончли баҳолаш, соғлом фертиликни тиклаш имкониятларини баҳолаш бўйича ягона ёндашув мавжуд эмас. Бундай ҳолат паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда фертиликни тиклашни оптималлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш заруратини белгилаб беради ҳамда мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини янада асослаб беради.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозаларига мослаштириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва тиббий ёрдамнинг ҳар томонлама қамраб олувчанлигини таъминлаш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида «аҳолини максимал қамраб олган ҳолда бирламчи тиббий-санитария хизматларини янада яқинлаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш,

¹ <https://www.who.int/ru/news-room/questions-and-answers/item/coronavirus-disease-covid-19-pregnancy-and-childbirth>

соҳага бўлган эҳтиёжларни кондириш, шунингдек, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўламини кенгайтириш» каби чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнларда паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларнинг фертиллигини ошириш, репродуктив саломатлигини сақлаш ва қўллаб-қувватлаш соҳасидаги тадқиқотлар ҳамда амалий ечимлар алоҳида аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги давлат сиёсати мақсадларига мос келади ва уларнинг самарадорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 6 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-156-сон фармони, 2021 йил 6 майдаги «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги ПФ-6221-сон, 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармонлари, 2023 йил 8 сентябрдаги «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»²ги ПҚ-296-сон, 2022 йил 25 апрелдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамани аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-215-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра, сўнгги йилларда паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда фертилик билан боғлиқ муаммоларни ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар сони ортиб бормоқда. Жаҳон илмий ҳамжамияти томонидан, хусусан, тухумдон захирасининг камайиши билан боғлиқ репродуктив бузилишлар, фертиликнинг пасайиши, репродуктив асоратлар ривожланиш хавфининг ошишига оид изланишлар олиб борилган (Steiner A.Z. et al., 2017; Pilsgaard F. et al., 2018; Cao Y. et al., 2024). Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар, асосан, паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда гормонал ҳолатни, тухум ҳужайра сифати ва фолликулогенезнинг эхографик хусусиятларини, эндометрий ҳолатини баҳолашга қаратилган. Айни пайтда, ушбу аёлларда тухумдонлар захирасини баҳолашда гормонал маркер антимюллер гормони (АМГ) ва эхографик маркер антрал фолликулалар сони (АФС) асосий диагностик мезонлар сифатида кенг қўлланилмоқда.

^{2 2} Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 сентябрдаги ПҚ-296-сонли қарори

МДХ давлатлари олимлари томонидан паст тухумдон захирали аёлларда антимюллер гормон (АМГ) ва фолликуластимулловчи гормон (ФСГ) микдорлари асосида фертилликти баҳолаш бўйича тадқиқотлар (Т.Н.Назаренко 2023; К.В. Урюпина ва ҳаммуал.,2020; И.И.Мягких., 2022) томонидан ўтказилган. Улар паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда АМГ даражаси 1 нг/мл дан кам бўлганда тухум хужайра сифати пасайиши ва экстракорпорал уруғлантириш (ЭКУ) дастурларининг самарадорлиги камайишини аниқлашган.

Ўзбекистонда ҳам олимлар томонидан тухумдон захирасини пасайиши билан боғлиқ репродуктив функция бузилишларини ўрганишга бағишланган қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кеч репродуктив ёшдаги аёлларда овуляция жараёнини баҳолаш, паст тухумдон захирали аёлларда репродуктив асоратларни прогнозлаш ҳамда паст тухумдон захирали аёлларда эхографик ва биокимёвий маркерларни баҳолаш бўйича изланишлар (Г.А.Ихтиярова ва ҳаммуал., 2020; С.З. Юлдашева ва ҳаммуал., 2020) томонидан ўтказилган.

Шу билан бирга, мавжуд тадқиқотларда асосий эътибор, асосан, репродуктив функциянинг умумий ҳолатини баҳолашга қаратилган бўлиб, фертилликти тиклашга йўналтирилган комплекс ёндашувлар, инновацион даволаш усуллари ва прогнозлаш моделлари етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Бугунги кунгача паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда фертилликти билан боғлиқ бузилишларни аниқ ташхислаш, самарали даволаш ва прогностик ечимларни қамраб олган кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилмагани ҳолати ушбу йўналишдаги илмий изланишларни янада чуқурлаштириш зарурлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент тиббиёт академиясининг №012300281 «Она ва бола саломатлигининг тиббий-ижтимоий муаммолари. Ташхислаш, башоратлаш, даволаш ва олдини олиш масалаларининг ечимини топиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига (2023-2027йй) мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёллар фертиллигини тиклашни оптималлаштиришга оид инновацион даволаш усуллари ишлаб чиқиш ва улар самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кеч репродуктив ёшдаги паст тухумдон захирали аёлларда репродуктив функцияси ҳолатини ретроспектив баҳолаш;

кеч репродуктив ёшдаги паст тухумдон захирали аёлларда гормонал ҳолатини баҳолаш;

кеч репродуктив ёшдаги паст тухумдон захирали аёлларда VEGF, TGF-β, IGF-1 ўсиш омилларининг ҳолатини баҳолаш;

кеч репродуктив ёшдаги паст тухумдон захирали аёлларда PRP терапияси билан Fertizil F препаратини қўллаш самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021–2024 йиллар давомида Тошкент шаҳар 9-сон туманлараро перинатал марказига мурожаат қилган 100 нафар аёл ҳамда “NS-Medical” клиникасига фертилик бузилишлари сабабли мурожаат қилган, паст тухумдон захираси аниқланган 35 ёшдан 41 ёшгача бўлган 120 нафар аёл танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қон ва қон зардоби намуналари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, гормонал, иммунологик, ультратовуш, доплерометрия ва статистика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда (ретроспектив таҳлил асосида) хайз цикли бузилишлари 70%да, ановуляция 30%да, репродуктив функция бузилиши 72–76,6%да кузатилиши, бирламчи бепуштлиқ 38–42%, иккиламчи бепуштлиқ 58–62% ни ташкил этиши, гормонал дисбаланс 58–78% да аниқланиши ҳамда комплекс даволаш фонида ҳомиладорликлар салмоғи 19,4% дан ошмагани исботланган;

паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда (гормонал таҳлиллар асосида) фертиликни прогнозлашда гормонал маркерларнинг прогностик аҳамияти ROC-анализ ёрдамида баҳоланиб, ФСГ (AUC = 0,86; сезгирлик – 83%; спецификлик – 77%), ЛГ – 0,87;(81%,79%), эстрадиол –0,88; 84%,80%), прогестерон – 0,88;(83%,78%) ва тестостерон – 0,85;(79%,75%) кўрсаткичлари самарали прогнозлаш имконини бериши, ҳамда тухумдон фаоллигининг пасайиши билан гормонал дисбаланс ўртасидаги корреляцион боғлиқлик исботланган;

паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда (иммунологик таҳлиллар асосида) VEGF, IGF-1 ва TGF-β ўсиш омилларининг микдорий даражаларига асосланган фертиликни тикланишини прогнозлаш модели ишлаб чиқилиб, унга кўра I-гурух учун Rf = 94,7%, II-гурух учун – 18,2%, III-гурух учун – 84,1% ни ташкил этиб, фертилик тикланишини прогнозлашда юқори аниқликка эгаллиги исботланган;

паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда (PRP-терапия ва Fertizil F препаратини биргаликда қўллаш асосида) овариал функция, гормонал, эхографик ва доплерометрик кўрсаткичларнинг ишончли яхшиланиши, VEGF, IGF-1 ва TGF-β ўсиш омиллари даражаларининг сезиларли ортиши, микроциркуляция ва трофиканинг фаоллашганини, овуляция салимоғи гуруҳларда мос равишда 42,0% ва 27,5%ни, ҳомиладорлик салмоғинининг гуруҳларда мос равишда 34,0% ва 22,5% ортишига олиб келиб ушбу инновацион даволаш усулининг юқори самарадор эканлиги исботлаган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги хайз даврийлигининг бузилишлар 70%, ановуляция 30%, репродуктив функция бузилиши 72–76,6% ҳолатда кузатилиши, бирламчи бепуштлиқ 38–42%, иккиламчи

бепуштлик 58–62% ни ташкил этиши, гормонал бузилишлар 58–78% да аниқланиши ҳамда комплекс даволаш фонида ҳомиладорликлар салмоғи 19,4% дан ошмагани мазкур гуруҳда аёлларнинг фертиллигини тиклашда стандарт усуллар етарли самара бермаслиги ва индивидуал, инновацион ёндашувларни жорий этиш зарурлиги клиник жиҳатдан асосланган;

паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда (гормонал таҳлиллар асосида) фертилликни прогнозлашда гормонал маркерларнинг прогностик аҳамияти ROC-анализ ёрдамида баҳоланиб, ФСГ (AUC = 0,86; сезгирлик – 83%; спецификлик – 77%), ЛГ – 0,87;(81%,79%), эстрадиол – 0,88; (84%,80%), прогестерон – 0,88;(83%,78%) ва тестостерон – 0,85;(79%,75%) кўрсаткичлари самарали прогнозлаш имконини бериши, ҳамда тухумдон фаоллигининг пасайиши билан гормонал дисбаланс ўртасидаги корреляцион боғлиқлик мавжудлиги илмий жиҳатдан асосланган;

кеч репродуктив ёшдаги паст тухумдон захирали аёлларда, VEGF, IGF-1 ва TGF- β ўсиш омиллари даражаларига асосланиб ишлаб чиқилган фертиллик тикланишини прогнозлаш модели, фертиллик тикланишини прогнозлашда юқори аниқлик (Rf I-гуруҳда – 94,7%, II-гуруҳда – 18,2%, III-гуруҳда – 84,1%), сезувчанлик (97%) ва махсуслик (98%) кўрсаткичларини намоён этган ҳолда, инновацион прогнозлаш усули сифатида клиник жиҳатдан асосланган;

кеч репродуктив ёшдаги паст тухумдон захирали аёлларда, PRP терапия ва Fertilizil F антиоксидант комплекси қўлланган аёлларда гормонал (ФСГ, ЛГ, эстрадиол, прогестерон), эхографик (фолликулалар ва эндометрий), доплерографик (RI, PI) кўрсаткичлар ҳамда VEGF, IGF-1 ва TGF- β даражаларидаги яхшиланишлар фонида овуляция кўрсаткичи 42,0% ва 27,5%, ҳомиладорлик даражаси 34,0% ва 22,5% ни ташкил этгани, ушбу терапевтик ёндашувнинг фертилликни тиклашда юқори самарадорлиги клиник жиҳатдан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган замонавий ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда фертилликни тиклаш мақсадида патогенетик асосланган ёндашувлар илк бор комплекс равишда ишлаб чиқилганлиги, гормонал, эхографик ва иммунологик таҳлиллар асосида репродуктив функциянинг ҳолатини баҳолаганлиги, фертилликни прогнозлаш ва индивидуал даволаш тактикасини белгилаш имконини берувчи ишончли маркерлар аниқланганлиги, АМГ, ФСГ, эстрадиол, прогестерон ва тестостерон гормонларининг прогностик қиймати ROC-анализ орқали илмий

жиҳатдан баҳоланганлиги, VEGF, IGF-1 ва TGF- β ўсиш омиллари даражаларига асосланган логистик регрессия модели тузилиб, фертиллик тикланишини аниқ имконини берувчи прогнозлаш усули яратилганлиги ва унинг самарадорлиги илмий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шунда намоён бўладики, тадқиқот натижалари асосида паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда репродуктив функцияни тиклаш учун PRP терапия ва Fertizil F митохондриал антиоксидант комплексини биргаликда қўллашга асосланган индивидуаллаштирилган даволаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги, бу усул клиник амалиётга жорий этилганлиги ва фертилликни тиклашда юқори самарали эканлиги, овуляцияга эришиш даражаси гуруҳларда мос равишда 42,0% 27,5%, ҳомиладорлик ҳолатлари эса мос равишда 34,0% ва 22,5% ни ташкил этганлиги, даволаш самарадорлигини баҳолаш учун тухумдон захираси ва ўсиш омиллари (VEGF, TGF- β , IGF-1) кўрсаткичларига асосланган комплекс баҳолаш усули ишлаб чиқилганлиги ва уни клиник амалиётда қўллаш тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда аёлларда умумклиник, эходопплероетрик, иммунологик ва гормонал текширувлар орқали репродуктив функциясининг ўзига хос клиник хусусиятларини аниқлаш ҳамда фертилликни оптималлаштиришга йўналтирилган даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда хайз цикли бузилишлари 70%, ановуляция 30%, репродуктив функция бузилиши 72–76,6% да кузатилиши, бирламчи бепуштлик 38–42%, иккиламчи бепуштлик 58–62% ни ташкил этиши, гормонал дисбаланс 58–78% да аниқланиши ҳамда комплекс даволаш фонида ҳомиладорликлар салмоғи 19,4% дан ошмагани исботланган ҳамда улар натижалари асосида "Паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда фертиллиги ҳолатини, ташхислаш, прогнозлаш ва тиклаш усуллари" номли услубий тавсиянома ишлаб чиқилиб (22.05.2023 йилда Ўзбекистон Республикаси ССВ Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 05-23/52-t сонли маълумотномаси), Республика перинатал маркази бўйича 12.08.2024 йилдаги 188-сон буйруғи ва Тошкент шаҳар 9-сонли туманлараро перинатал маркази бўйича 10.09.2024 йилдаги 85-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий техник Кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/58-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда (ретроспектив таҳлил асосида) менструал бузилишлар, ановуляция ва репродуктив функция бузилиши юқори салмоқда қайд этилиши, ҳомиладорлик даражасининг жуда паст кўрсаткичи, мавжуд стандарт даволаш усулларининг самарасизлигини кўрсатиб, бу ҳолат инновацион ёндашувларни жорий этиш заруратини белгилаб, фертиллик муаммоси бўлган аёллар учун замонавий, самарали ва эҳтиёжга мос муолажаларни таклиф этиш имконини беради. *Илмий*

янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: биомаркерларга асосланган индивидуал ёндашув ва инновацион PRP-терапияни жорий этиш ҳисобига гормонал стимуляциялар ва ЭКУга бўлган эҳтиёж камайиб, ҳар бир бемор учун ўртача 200000–2500000 сўм миқдорида харажат тежалиши, 90 нафар аёл таҳлилида эса жами 180000000–225000000 сўм тежаш имконини берган. **Хулоса:** паст тухумдон захирали аёлларда фертилликка оид бузилишлар юқори учраши, стандарт даволаш самарадорлигининг пастлиги аниқланиб, шу асосда фертилликни баҳолаш, прогнозлаш ва тиклашга қаратилган инновацион ёндашувлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этиш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда (гормонал таҳлиллар асосида) фертилликни прогнозлашда гормонал маркерларнинг прогностик аҳамияти ROC-анализ ёрдамида баҳоланиб, ФСГ (AUC = 0,86; сезгирлик – 83%; спецификлик – 77%), ЛГ (AUC = 0,87; сезгирлик – 81%; спецификлик – 79%), эстрадиол (AUC = 0,88; сезгирлик – 84%; спецификлик – 80%), прогестерон (AUC = 0,88; сезгирлик – 83%; спецификлик – 78%) ва тестостерон (AUC = 0,85; сезгирлик – 79%; спецификлик – 75%) кўрсаткичлари самарали прогнозлаш имконини бериши, ҳамда тухумдон фаоллигининг пасайиши билан гормонал дисбаланс ўртасидаги корреляцион боғлиқлик мавжудлиги илмий жиҳатдан исботланган ҳамда улар натижалари асосида "Паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда фертиллиги ҳолатини, ташхислаш, прогнозлаш ва тиклаш усуллари" номли услубий тавсиянома ишлаб чиқилиб (22.05.2023 йилда Ўзбекистон Республикаси ССВ Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 05-23/52-t сонли маълумотномаси), Республика перинатал маркази бўйича 12.08.2024 йилдаги 188-сон буйруғи ва Тошкент шаҳар 9-сонли туманлараро перинатал маркази бўйича 10.09.2024 йилдаги 85-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий техник Кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/58-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** гормонал маркерлар асосида фертилликни прогнозлаш имконининг аниқ кўрсаткичлар (AUC, сезгирлик, спецификлик) билан баҳоланиши, паст тухумдон захирали аёлларда репродуктив функциянинг ҳолатини эрта баҳолаш ва индивидуал ёндашувни шакллантириш, ҳамда овулятор фаоллик ва гормонал дисбалансни аниқлашда аёлларнинг фертиллик муаммоларига барвақт ечим таклиф қилиш имконини берган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** тадқиқот давомида гормонал маркерлар орқали фертилликни баҳолаш имкони яратилиши орқали ортиқча, самарасиз гормонал даволаш, ЭКУ ёки текширувларни қисқартириш, беморларга зарур бўлмаган қиммат муолажаларнинг олдини олиш имкони яратилиб, ҳар бир аёл учун ўртача 1500000–2000000 сўм маблағни тежаб, умумий ҳисобда тадқиқот гуруҳида 13500000–18000000 сўм миқдорида маблағ тежаш имконини берган. **Хулоса:** фертилликни прогнозлашда ФСГ, ЛГ, эстрадиол, прогестерон ва тестостерон гормонларининг AUC, сезгирлик ва спецификлик кўрсаткичлари юқори

эканлиги, индивидуал прогнозлашда самарали қўлланилишини тасдиқлаб, ушбу маркерлар асосида фертиллиқни баҳолаш, прогнозлаш ва даволаш тактикаларини аниқлашда замонавий илмий асосланган ёндашув сифатида тавсия этиш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда (иммунологик таҳлиллар асосида) VEGF, IGF-1 ва TGF- β ўсиш омилларининг микдорий даражаларига асосланган фертиллиқни тикланишини прогнозлаш модели ишлаб чиқилиб, унга кўра I-гурух учун Rf = 94,7%, II-гурух учун – 18,2%, III-гурух учун – 84,1% ни ташкил этиб, фертиллиқ тикланишини прогнозлашда ушбу прогнозлаш модели юқори аниқликка эга инновацион усул сифатида тавсия этилиши исботланган ва улар натижалари асосида "Паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда фертиллиғи ҳолатини, ташхислаш, прогнозлаш ва тиклаш усуллари" номли услубий тавсиянома ишлаб чиқилиб (22.05.2023 йилда Ўзбекистон Республикаси ССВ Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 05-23/52-t сонли маълумотномаси), Республика перинатал маркази бўйича 12.08.2024 йилдаги 188-сон буйруғи ва Тошкент шаҳар 9-сонли туманлараро перинатал маркази бўйича 10.09.2024 йилдаги 85-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий техник Кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/58-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиғи:** VEGF, IGF-1 ва TGF- β ўсиш омилларига асосланган прогнозлаш модели паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда фертиллиқ тикланиш эҳтимолини эрта ва ишончли баҳолаш имконини яратиб, аёлларнинг юқори хавфли гуруҳларида фертиллиқ муаммоларини аниқлаш, самарали муолажаларни танлаш ва репродуктив салоҳиятни сақлаш бўйича индивидуал ёндашувларни жорий этишга хизмат қилиб, аёлларнинг ҳаёт сифати ва ижтимоий фаоллигини ошириш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиғи:** фертиллиқни прогнозлашда анъанавий ва қиммат таҳлиллар ўрнига иммунологик ўсиш омиллари асосида ишлаб чиқилган модели беморга ётмасдан, барвақт, самарали баҳолаш имконини бериб, ортиқча гормонал стимуляциялар, ЭКУ каби харажатли протоколларга бўлган эҳтиёжни камайтиради ҳамда бундай ёндашув ҳар бир бемор учун ўртача 200000–3000000 сўм харажатни тежаб, 90 нафар аёл учун жами 18000000–27000000 сўм иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** паст тухумдон захирали аёлларда VEGF, IGF-1 ва TGF- β даражаларига асосланган фертиллиқни прогнозлаш модели Rf кўрсаткичлари бўйича юқори аниқликка гуруҳларда мос равишда 94,7%, 18,2%, ва 84,1% эга бўлиб, иммунологик прогностик усул сифатида клиник амалиётда қўллаш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда (PRP-терапия ва Fertizil F препаратини биргаликда қўллаш асосида) овариал функция, гормонал, эхографик ва доплерометрик кўрсаткичларнинг ишончли яхшиланиши, VEGF, IGF-1 ва TGF- β ўсиш омиллари даражаларининг сезиларли ортиши, микроциркуляция ва

трофиканинг фаоллашганини, овуляцияга даражаси гуруҳларда мос равишда 42,0% ва 27,5%ни, ҳомиладорлик ҳолатлари мос равишда 34,0% ва 22,5% ни ташкил этиб ушбу инновацион даволаш усулининг юқори клиник самарадорлигини исботлаган ва улар натижалари асосида "Паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда фертиллиги ҳолатини, ташхислаш, прогнозлаш ва тиклаш усуллари" номли услубий тавсиянома ишлаб чиқилиб (22.05.2023 йилда Ўзбекистон Республикаси ССВ Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 05-23/52-т сонли маълумотномаси), Республика перинатал маркази бўйича 12.08.2024 йилдаги 188-сон буйруғи ва Тошкент шаҳар 9-сонли туманлараро перинатал маркази бўйича 10.09.2024 йилдаги 85-сон буйруғи билан амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий техник Кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/58-сон хулосаси. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** PRP-терапия ва Fertizil F комбинацияси паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда овуляция (42,0% ва 27,5%) ва ҳомиладорлик (34,0% ва 22,5%) ҳолатларини сезиларли даражада оширишга эришган. Ушбу инновацион усул репродуктив салоҳиятни тиклашда аниқ самара бериши билан бирга, репродуктив ёшдаги аёлларнинг ҳаёт сифати, ижтимоий барқарорлиги ва оила қуриш имкониятларини яхшилаш имконини берган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** инновацион PRP + Fertizil F терапияси анъанавий қиммат гормонал стимуляцияларга ва ЭКУ протоколларига бўлган эҳтиёжни камайтириб, ушбу ёндашувни жорий этиш натижасида ҳар бир бемор учун ўртача 2500000–3000000 сўм харажатни ва 90 нафар аёл мисолида умумий 225000000–270000000 сўм тежаш имконини берган. **Хулоса:** кеч репродуктив ёшдаги паст тухумдон захирали аёлларда PRP-терапия ва Fertizil F комбинациясини қўллаш тухумдон функцияни тиклаш, трофик муҳитни яхшилаш ва фертилликни оширишда клиник ва иқтисодий жиҳатдан самарали инновацион усул сифатида тавсия этиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши материаллари бўйича 19 та илмий иш чоп этилган, шундан 7 та журнал мақоласи, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлардан 6 таси республика, 2 таси хорижий журналларда, 6 та тезис нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари

тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **“Паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда фертилликти тиклашнинг замонавий талқини”** деб номланган биринчи бобда кеч репродуктив ёшдаги аёлларда фертилликти бузилишларининг эпидемиологияси, патогенези, клиникаси ҳақида замонавий тасаввурлар ҳамда касалликни замонавий даволаш усуллари ҳақида маҳаллий ва хорижий нашрлардаги сўнгги 5-10 йиллик адабиётлар шарҳи берилган.


Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобда тадқиқот материаллари тавсифи ҳамда умумклиник, эходопплероетрик, гормонал, иммунологик ва статистик текширув усуллари батафсил ёритиб берилган. Тадқиқот доирасида жами 220 нафар кеч репродуктив ёшдаги аёллар қамраб олинди. Улардан 100 нафар 35-41 кеч ёшдаги аёлларда репродуктив функциясининг ҳолатининг ретроспектив таҳлили ўтказилди. Проспектив тадқиқотга эса 120 нафар паст тухумдон захирали аёллар жалб қилинди, улардан 90 нафари POSEIDON таснифи мезонларига мувофиқ икки клиник гуруҳга ажратилди. I-гуруҳни – 35-38 ёшдаги (POSEIDON Group 3 -AMГ < 1.0 нг/мл, АФС < 5) PRP терапия билан Fertizil F олган паст тухумдон захирали 50 нафар аёллар, II-гуруҳни – 39-41 ёшдаги (POSEIDON Group 4: AMГ < 0.5 нг/мл, АФС < 3) PRP терапия билан Fertizil F олган паст тухумдон захирали 40 нафар аёллар ташкил этди. Таққослаш гуруҳини – 30 нафар 35-41 ёшли (POSEIDON Group 3/4 AMГ < 1,0 нг/мл ва АФС < 5) PRP терапия олмаган аёллар ташкил этди. Барча иштирокчиларда замонавий лаборатор ва инструментал текширувлар комплекс равишда амалга оширилди. Улар қаторига гормонал таҳлиллар, тухумдон ва эндометрий ҳолатини баҳолашга қаратилган эходопплероетрия, шунингдек VEGF, TGF-β ва IGF-1 ўсиш омилларининг иммунологик таҳлили киради. Тадқиқот POSEIDON таснифидан фойдаланган ҳолда фертилликти аниқлаш, прогнозлаш ва индивидуал ёндашув асосида даволаш имконини берди. Ўтказилган даволашнинг самарадорлигини, асосан гормонал ва иммунологик кўрсаткичларнинг яхшиланиши, хайз даврийлигини, тухумдон ва репродуктив функциясини тикланиши яъни овуляция ҳамда ҳомиладор бўлишлик салмоғини баҳолаш ёрмида амалга оширилди.

Диссертациянинг **“Паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда клиник–лаборатор, инструментал ва ретроспектив тадқиқотлар натижалари”** деб номланган учинчи бобда таққослаш гуруҳларидаги беморларнинг умумий клиник–лаборатор ҳамда, инструментал ва проспектив тадқиқот натижалари тавсифланган.

Ушбу бобда, 100 нафар паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда репродуктив функцияси ҳолатини ўрганишга қаратилган ретроспектив таҳлил натижалари ва 120 нафар паст тухумдон захирали кеч

репродуктив ёшдаги аёлларда анамнез, клиник–лаборатор ҳамда, инструментал ва проспектив тадқиқот натижаларининг таҳлили ёритиб берилган. Тадқиқот иштирокчиларининг ўртача ёши $39,7 \pm 0,5$ ёшни ташкил этди. I-гурух таркибида (35–38 ёш): 6 нафар (12,0%) 35 ёшли, 10 нафар (20,0%) 36 ёшли, 12 нафар (24,0%) 37 ёшли ва 22 нафар (44,0%) 38 ёшли аёллар иштирок этди. II-гурух таркибида (39–41 ёш): 20 нафар (50,0%) 39 ёшли, 18 нафар (45,0%) 40 ёшли ва 2 нафар (5,0%) 41 ёшли аёллар қайд этилди. Таққослаш гуруҳида эса 35 ёшли — 2 нафар (6,7%), 36 ёшли — 6 нафар (20,0%), 37 ёшли — 5 нафар (16,7%), 38 ёшли — 5 нафар (16,7%), 39 ёшли — 7 нафар (23,3%) ва 40 ёшли — 5 нафар (16,7%) аёллардан иборат бўлди. Тадқиқот давомида хайз функцияси ва соматик патологиялар (сурункали эндометрит, сальпингоофарит, тиреоид дисфункция, жарроҳлик анамнези ва ҳ.к.) чуқур ўрганилиб, кеч репродуктив ёшда тухумдон захираси камайиши билан боғлиқ репродуктив чекланишлар ва уларни эрта аниқлаш зарурлиги аниқланди.

Тадқиқот олдига қўйилган вазифаларга мувофиқ 2021–2022 йилларда кеч репродуктив ёшдаги (35–41 ёш) 100 нафар аёл тиббий ҳужжатлари асосида репродуктив функция ҳолатининг ретроспектив таҳлили амалга оширилди. Улар икки гуруҳга ажратилди: I гуруҳ – 35–38 ёшлилар, II гуруҳ – 39–41 ёшлилар. Кеч репродуктив ёшдаги аёллар репродуктив функциясини ретроспектив таҳлил натижалари, хайз циклининг бузилишлар 70%, ановуляция 30%, репродуктив функция бузилиши 72–76,6% ҳолатда қайд этилди. Бирламчи бепуштлик гуруҳларда мос равишда 38% ва 42%ни, иккиламчи бепуштлик – 62% ва 58% ни ташкил этди (1-расм).



1-расм. Кеч репродуктив ёшдаги аёлларда репродуктив функциясини ретроспектив таҳлил натижалари, %

Гормонал бузилишлар гуруҳларда мос равишда 58% 78% ҳолатда аниқланди ($p < 0,05$), шу билан бирга, ушбу аёлларда комплекс даволаш фонида ҳомиладорликлар салмоғи жуда паст, яъни 19,4%ни ташкил этган, бу ўз навбатида мазкур аёллар фертиллигини тиклашда индивидуал ва инновацион усулларни жорий этиш зарурати мавжудлигини тасдиқлайди

Фертилликни пасайтирувчи асосий хавф омиллари сифатида 35 ёшдан катта ёш ($OR=1,8$), сурункали гинекологик касалликлар ($OR=1,9$), гормонал

контрацептивлардан узоқ муддат фойдаланиш ($OR=2,1$), жарроҳлик аралашувлари ($OR=1,8$), метаболик синдром, инсулин резистентлиги, тиреоид дисфункция, стресс ва ирсий омиллар аниқланди (барчаси $p<0,05$). Ушбу натижалар анъанавий терапия самарадорлигининг чекланганлигини ва кеч репродуктив ёшдаги паст тухумдон захирали аёлларда фертилликти тиклаш учун индивидуал ва инновацион ёндашувлар, жумладан, PRP-терапия каби регенератив усулларни жорий этиш зарурлигини кўрсатади.

Кеч репродуктив ёшдаги паст тухумдон захирали аёлларда эхографик ва доплерометрия усуллари орқали тухумдон ва бачадон трофикаси ҳолати комплекс баҳоланди. Эхографик кўрсаткичлар таҳлилида тухумдон ҳажми, антрал фолликулалар сони ва диаметри II гуруҳда сезиларли даражада пасайгани, эхоструктурада капсула қалинлашуви, эхогенлик ва фиброз ўзгаришлари анча аниқ ифода этилгани қайд этилди. Эндометрий қалинлиги II гуруҳда физиологик меъёрдан паст бўлиб, имплантация имконияти чекланган ҳолатда экани намоён бўлди. Овулятор фаза белгилари I гуруҳда 13,3%, II гуруҳда 12%, таққослаш гуруҳида эса 31% ҳолатда қайд этилди. Допплерометрия натижалари тухумдон ва бачадон артерияларидаги резистентлик (RI) ва пульсация (PI) индексларининг I ва айниқса II гуруҳларда юқори эканини кўрсатиб, трофиканинг пасайганини ва микроциркуляциядаги қаршилик ошганини тасдиқлади ($P<0,001$). Таҳлиллар шуни кўрсатдики, аёл ёши ўсиши билан тухумдон ҳажми ($r = -0,74$) ва АФС ($r = -0,58$) ўртасида ишончли тесқари боғлиқлик мавжуд. Умуман, паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда тухумдон ва бачадон трофикасидаги эхографик ва гемодинамик ўзгаришлар репродуктив салоҳиятнинг пасайиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, эходопплерометрик баҳолаш фертилликти башорат қилиш ва мақсадли даволаш стратегиясини танлашда муҳим клиник инструмент ҳисобланади.


Тадқиқот олдида қўйилган вазифаларга мувофиқ паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда гормонал тадқиқот натижаларининг таҳлили I-гуруҳ аёлларида ФСГ даражаси пастга нисбатан бироз юқори – $14,5 \pm 0,51$ мМЕ/мл ($P < 0,01$), эстрадиол – паст даражада – $25,6 \pm 0,87$ пг/мл, прогестерон – паст – $1,8 \pm 0,06$ нг/мл, тестостерон – бироз юқори – $1,7 \pm 0,05$ нг/мл, АМГ – паст – $0,70 \pm 0,024$ нг/мл ($P < 0,001$), ЛГ – бироз юқори – $13,6 \pm 0,47$ мМЕ/мл ($P > 0,05$) даражасида аниқланди. II-гуруҳ аёлларида ФСГ – анча юқори – $15,8 \pm 0,54$ мМЕ/мл ($P < 0,001$), эстрадиол – паст – $22,1 \pm 0,74$ пг/мл, прогестерон – паст – $1,9 \pm 0,07$ нг/мл, тестостерон – бироз юқори – $1,8 \pm 0,06$ нг/мл, АМГ – жуда паст – $0,30 \pm 0,011$ нг/мл ($P < 0,001$), ЛГ – бироз юқори – $13,4 \pm 0,46$ мМЕ/мл ($P > 0,05$) даражасида кузатилди. III-гуруҳ (таққослаш гуруҳи) аёлларида эса гормонал кўрсаткичлар қуйидагича бўлган: ФСГ – бироз юқори – $13,8 \pm 0,49$ мМЕ/мл, ЛГ – бироз юқори – $13,0 \pm 0,45$ мМЕ/мл, эстрадиол – паст – $26,2 \pm 0,90$ пг/мл, прогестерон – паст – $1,7 \pm 0,05$ нг/мл, тестостерон – бироз юқори – $1,6 \pm 0,05$ нг/мл ва АМГ – паст – $0,85 \pm 0,028$ нг/мл бўлган.

1-Жадвал. Тадқиқотга киритилган аёлларда гормонлар миқдор даражасининг ҳолати, $M \pm m$

Гормонлар	I гуруҳ, n=50	II гуруҳ, n=40	Таққослаш гуруҳ, n=30	P_{T-1}	P_{T-2}	P_{1-2}
ФСГ (мМЕ/мл)	14,5±0,51	15,8±0,54	13,8±0,49	>0,05	>0,05	>0,05
ЛГ (мМЕ/мл)	13,6±0,47	13,4±0,46	13,0±0,45	>0,05	>0,05	>0,05
Эстрадиол (пг/мл)	25,6±0,87	22,1±0,74	26,2±0,90	>0,05	>0,05	>0,05
Прогестерон (нг/мл)	1,8±0,06	1,9±0,07	1,7±0,05	>0,05	>0,05	>0,05
Тестостерон (нг/мл)	1,7±0,05	1,8±0,06	1,6±0,05	>0,05	>0,05	>0,05
АМГ (нг/мл)	0,70±0,024	0,30±0,011	0,85±0,028	<0,001	<0,001	<0,001

Изоҳ: P_{T-1} — I гуруҳ билан таққослаш гуруҳи ўртасидаги фарқнинг ишонч даражаси; P_{T-2} — II гуруҳ билан таққослаш гуруҳи ўртасидаги фарқнинг ишонч даражаси; P_{1-2} — I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқнинг ишонч даражаси.


Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, барча гуруҳларда ФСГ ва АМГ ўртасида ишончли тескари боғлиқлик қайд этилди (I гуруҳда $r = -0,84$; II гуруҳда $r = -0,76$; III гуруҳда $r = -0,75$; $P < 0,001$), бу тухумдон захираси пасайиши фонида гипофиз томонидан ФСГ секрециясининг компенсацион ортиши билан изоҳланади. Шунингдек, ФСГ ва ЛГ ўртасида барча гуруҳларда кучли ижобий корреляция аниқланди ($r > 0,85$; $P < 0,001$), бу гонадотроп гормонлар ўртасидаги физиологик уйғунликни кўрсатади. ФСГнинг эстрадиол ва прогестерон билан боғлиқлиги I гуруҳда салбий ва ишончли бўлган ($r = -0,67$ ва $-0,75$), II гуруҳда эса заифроқ даражада намоён бўлган (2-расм).



2-расм. Тадқиқотга киритилган аёлларда репродуктив гормонлар даражалари ўртасидаги корреляция таҳлили

Гормонал маркерларнинг фертиликни прогностлашдаги аниқлигини баҳолаш мақсадида ROC-анализ ўтказилди. Натижаларга кўра, АМГ энг юқори прогностик қийматга эга бўлиб ($AUC = 0,90$), тухумдон захирасини

баҳолашда энг самарали маркер сифатида тасдиқланди. Эстрадиол ва прогестерон $AUC = 0,88$, ЛГ ва ФСГ мос равишда $AUC = 0,87$ ва $0,86$ кўрсаткичлари билан юкори прогнозлаш қобилиятига эга эканлиги аниқланди. Тестостероннинг AUC қиймати $0,85$ бўлиб, самарали, лекин нисбатан камроқ прогностик аҳамиятга эга деб баҳоланди (3-расм).



3-расм. Гормонал маркерларнинг прогностик аҳамияти учун ROC таҳлили

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, фертиликни прогнозлаш ва индивидуал даволаш стратегиясини ишлаб чиқишда гормонал маркерларлар кўрсаткичи етакчи аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Кеч репродуктив ёшдаги паст тухумдон захирали аёлларда фертиликни баҳолаш мақсадида POSEIDON таснифи асосида тухумдон захираси таҳлил қилинди. Эхографик баҳолаш тухумдон ҳажми ва овуляция белгиларида ҳам статистик фарқ борлигини кўрсатди ($P < 0,001$). Корреляцион таҳлилда ёш билан АМГ ($r = -0,68$) ва АФС ($r = -0,45$) ўртасида ишончли тескари боғлиқлик, АМГ ва АФС ўртасида эса тўғри боғлиқлик аниқланди ($r = 0,70$; $P < 0,01$). ROC-анализга кўра, АМГ ($AUC = 0,90$) ва АФС ($AUC = 0,85$) – ишончли прогностик маркерлар бўлиб, уларни биргаликда баҳолаш фертиликни прогнозлаш аниқлигини сезиларли оширади ($AUC = 0,92$). Ушбу натижалар POSEIDON таснифи асосида тухумдон захирасини комплекс ва индивидуал баҳолаш репродуктив стратегияларни танлашда самарали клиник восита эканини тасдиқлайди.

Тадқиқот олдига қўйилган вазифаларга мувофиқ паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда фертиликни тиклаш имкониятини баҳолаш мақсадида VEGF, IGF-1 ва TGF- β каби ўсиш омилларининг миқдорий даражалари ўрганилди. Таҳлил натижаларига кўра, I-гуруҳдаги аёлларда VEGF даражаси $85,0 \pm 3,8$ пг/мл, II-гуруҳда – $48,5 \pm 3,5$ пг/мл ($P < 0,001$), III-гуруҳда эса $78,0 \pm 3,9$ пг/мл ($P > 0,05$) ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичлар ангиогенез жараёнининг умумий ҳолатини баҳолашда


муҳим аҳамият касб этади. II-гурӯҳдаги VEGF даражаси референс чегарасининг (100–150 пг/мл) анча пастида аниқланиб, тухумдон трофикаси ва қон таъминотининг жиддий сусайганини кўрсатади. TGF-β даражалари I-гурӯҳда – $62,0 \pm 2,9$ пг/мл, II-гурӯҳда – $38,0 \pm 2,6$ пг/мл ($P < 0,001$), III-гурӯҳда – $60,5 \pm 2,8$ пг/мл ($P > 0,05$) бўлиб, бу кўрсаткич ҳам тўқима регенерацияси ва яллиғланишни назорат қилувчи жараёнларни акс эттиради. II-гурӯҳдаги паст даража физиологик тикланиш жараёнларининг пасайганини кўрсатади. IGF-1 даражаси I-гурӯҳда – $122,0 \pm 4,5$ нг/мл, II-гурӯҳда – $88,0 \pm 4,1$ нг/мл ($P < 0,001$), III-гурӯҳда – $115,0 \pm 4,7$ нг/мл ($P > 0,05$) ни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар тухумдон тўқималарида хужайравий ўсиш ва метаболлик фаоллик даражаси билан боғлиқ бўлиб, II-гурӯҳдаги пастлик тухумдон фаоллигининг заифлашганини кўрсатади (2-жадвал).

2-жадвал. Тадқиқотга киритилган аёлларда ўсиш омилларининг миқдор даражалари, $M \pm m$

Ўсиш омиллари	I гуруҳ, (n=50)	II гуруҳ, (n=40)	Таққослаш гуруҳи (n=30)	P1-TГ	P2-TГ	P1-2
VEGF (пг/мл)	$85,0 \pm 3,8$	$48,5 \pm 3,5$	$78,0 \pm 3,9$	$>0,05$	$<0,001$	$<0,001$
TGF-β (пг/мл)	$62,0 \pm 2,9$	$38,0 \pm 2,6$	$60,5 \pm 2,8$	$>0,05$	$<0,001$	$<0,001$
IGF-1 (нг/мл)	$122,0 \pm 4,5$	$88,0 \pm 4,1$	$115,0 \pm 4,7$	$>0,05$	$<0,001$	$<0,001$

Изоҳ: I гуруҳ ва таққослаш гуруҳи ўртасидаги фарқ; II гуруҳ ва таққослаш гуруҳи ўртасидаги фарқ; I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқ.

Гуруҳлар таҳлилида, айниқса II гуруҳда (39–41 ёш) ушбу ўсиш омиллар даражасининг кескин пастлиги қайд этилди ($P < 0,001$), бу ангиогенез, трофика ва хужайравий метаболизмнинг сусайиши билан боғлиқ ҳолатларни кўрсатади. Корреляцион таҳлилда VEGF ва АМГ ўртасида кучли ижобий ($r = 0,72$), VEGF ва ФСГ ўртасида эса тескари боғлиқлик ($r = -0,64$) аниқланди ($P < 0,01$), бу ўсиш омиллари ва гормонал захира ўртасидаги узвий боғлиқликни акс эттиради (4-расм).



4-расм. VEGF ўсиш омили миқдор даражаси билан АМГ ва ФСГ гормонлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик

Согласно результатам ROC-анализа, VEGF (AUC = 0,88), IGF-1 (AUC = 0,85) и TGF- β (AUC = 0,87) были идентифицированы в качестве эффективных биомаркеров для прогнозирования фертильности благодаря высокой чувствительности и специфичности. Кроме того, на основании показателей указанных факторов роста была разработана модель логистической регрессии, позволяющая оценить вероятность восстановления фертильности (Rf) по следующей формуле:

$$Rf = \frac{1}{1 + e^{-(\beta_0 + \beta_1 \times VEGF + \beta_2 \times IGF-1 + \beta_3 \times TGF-\beta)}}$$

Бу ерда:

- Rf – фертилик тикланиш эҳтимоли (0–1 оралиғида, ёки %);
- VEGF, IGF1, TGF- β – аниқланган миқдорий даражалар;
- $\beta_0, \beta_1, \beta_2, \beta_3$ – моделнинг регрессия коэффициентлари.

Ушбу формула асосида фертилик тикланишини прогнозлаш самарадорлиги юқори аниқлик билан баҳоланди: сезувчанлик (sensitivity) – 97%, махсуслик (specificity) – 98% ни ташкил этди. I-гуруҳда прогнозлаш натижаси (Rf) 94,7% ни ташкил этди. II-гуруҳда эса мазкур кўрсаткичлар анча паст–(Rf) 18,2% ни ташкил этди. III-гуруҳ (таққослаш) даги аёлларда прогнозлаш натижаси (Rf) 84,1% деб баҳоланди. Хулоса қилиб айтганда, VEGF, IGF-1 ва TGF- β ўсиш омиллари тухумдон функционал ҳолатининг муҳим биомаркерлари бўлиб, улар асосида тузилган логистик регрессия модели паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларда фертилик тикланишини прогнозлашда юқори самарадорликка эга инновацион ва истиқболли модел сифатида тавсия этилади.

Диссертациянинг «Паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёллар фертиллигини тиклашда инновацион ёндашувлар усулни қўллаш натижаларини» деб номланган тўртинчи бобида паст тухумдон захирали кеч репродуктив ёшдаги аёлларни даволашда инновацион даволаш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш натижалари батафсил ёритиб берилган.

